

Farg`ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куні муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида фарғоналик ҳамкасбларимизнинг борлиги қувончлидир.



«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

МИРШАРИПОВ
Фарҳоджон
Арисланович –
Фарғона вилояти
телерадиоканали
бош муҳаррирининг
ўринбосари, Сўх телека-
нали гуруҳ раҳбари.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

КОРАБОВ
Шамшидин –
Фарғона вилояти
оммавий ахборот
воситалари
фахрийлар кенгаши
фаоли, фотосуратчи.

**Юксак мукофот билан тақдирланган
фарғоналик журналистларни
самимий муборакбод этамиз!**



14-21 июнь кунлари фарғоналик бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари Ўзбекистон журналистлар уюшмаси фарғона вилоят бўлими, «ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ ҲАМДА ТУРКИЯ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ БУРСА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ, БУРСА ВИЛОЯТИ ГАЗЕТАЧИЛАРИ ИТТИФОҚИ ўртасидаги ҳамкорлик доирасида туркиянинг истанбул шаҳри ҲАМДА КУҲНА ВА НАВҚИРОН ўлкаси – БУРСА ВИЛОЯТИДА ИЖОДИЙ САФАРДА бўлишди.

Ташриф давомида Истанбул шаҳрининг Фотиҳ тумани, Бурса шаҳри ва Изник тумани ҳокимликларида расмий учрашувлар бўлиб ўтди. «Basin ilan kurumu» – Матбуот эълони бошқармаси, «Yeni safak gazetasi», «Bursa Hâkimiyet» газеталари таҳририятлари, Туркия давлат телевидениеси (TRT), «Анадолу» миллий ахборот агентлиги Истанбул бўлимида икки давлат, икки қардош халқ журналистлари ўртасида ижодий мулоқотлар ташкил этилди, ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашилди. Фарғона ва Бурса вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалари, «Фарғона ҳақиқати» ва «Bursa Hâkimiyet» газеталарининг махсус сонлари тақдими ўтказилди.

Шунингдек, ташриф чоғида фарғоналик журналистлар учун Истанбул шаҳри ва Бурса вилояти туризм масканларига саёҳат уюштирилди, тарихий ва миллий обидалар зиёрат қилинди. Нафақат Туркиянинг, балки дунёнинг кўплаб давлатларида таниқли бўлган ёзувчи Аҳмад Лутфий Қозончи билан маънавий-ижодий мулоқот ташкилланди.



● ГАЗЕТАНИНГ 6-БЕТИДА ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ТУРКИЯГА ИЖОДИЙ САФАРИ ТАФСИЛОТИ ҲАҚИДА ЎҚИЙСИЗ.

МЕҲНАТГА ЯРАША МУНОСИБ РАВБАТ

Вилоят телерадиоканали бош муҳаррир ўринбосари, Сўх телестудияси раҳбари Фарҳоджон Миршарипов ўзининг журналистик фаолияти давомида аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда фидойилик билан ижод қилмоқда. Вилоятимизнинг энг чекка, тоғли ҳудуди аҳолисини ўзбек ва тожик тилларида тайёрлаган телекўрсатувлари орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугун ҳаётимизга жадал кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистлар олдида янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Шу боисдан ҳам фуқаролар маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, барча соҳаларда кечаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда Сўх телевидениеси кўрсатувлари ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Сўх телевидениесининг моддий-техник базаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Туманда бўлаётган тадбир ва тантаналарни тўғридан-тўғри эфирга узатиш имконияти яратилган. 2020 йилга келиб, «Сўх» ТВнинг эфир ҳажми оширилди. Кўрсатувлар ҳафтанинг якшанба кунидан ташқари ҳар кун эфирга чиқади. Уни нафақат вилоятимиз, балки бутун водий аҳоли кўриш имконияти яратилган. Бунда, шубҳасиз, Фарҳоджон Миршариповнинг саяёҳаракати катта бўлди.

Иқтидорли, ташаббускор ижодкор «Олтин қалам» V Миллий мукофоти халқаро танловида рағбатлантирувчи мукофот соҳиби бўлган. Фарҳоджоннинг соҳада узоқ йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирлангани барча фарғоналик ижодкорларни қувонтирди.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

**27 июнь –
Матбуот
ва оммавий
ахборот
воситалари
ходимлари
куни**



**СЕРҚИРРА
ЖУРНАЛИСТ**



**СЎЗ ВА ОҲАНГ ИЧИДА
ЯШАЁТГАН ИЖОДКОР**



**МАТБААЧИ,
НОШИР,
ИЗЛАНУВЧАН
ТАДБИРКОР**

ЎЗ ЎРНИ ВА СЎЗИГА ЭГА

3-бетда

ФАРҒОНАЛИК ИЖОДКОРЛАР ФИЛЬМИ ХИТОЙДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ ТУБ
ЎЗГАРИШЛАРДАН БИРИ – ҲУДУДЛАРАРО ТЎҒРИДАН-
ТЎҒРИ АЛОҚАЛАРНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ БЎЛДИ.**



Фарғона вилояти ва Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном райони ўртасида ҳам шундай муносабатлар бошланган. Ҳозирда узумчилик билан шуғулланадиган Фарғонанинг Олтиариқ ҳамда Шинжоннинг Турфон туманлари ҳамкорлиги ўрнатилган. Бунга «Фарғона ҳақиқати» газетасининг «Кўнгил» студияси Хитойнинг «Янгиликлар ахборот агентлиги» – CNS иштирокидаги «Шинжон: Турфон мўъжизалари» ҳужжатли фильми сабаб бўлди. Унда икки давлатнинг узум етиштирувчи фермерлари ҳаёти тилга олинади. Турфон узумчилиги тажрибаси таҳлил қилинади. Шунингдек фильмда қишлоқлардаги оддий деҳқонлар ҳаёт тарзи, оловли водийнинг тарихий обидалари, саноат корхоналари акс этган.

Шинжон ташаббуси билан фильмнинг Турфонда тақдими ўтказилди. Унда партия қўмитаси, халқаро алоқалар бошқармаси раҳбарлари, шинжонлик кино ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари, Хитой ва Марказий Осиё журналистлари форуми қатнашчиси бўлган 21 та оммавий ахборот воситаларининг журналистлари иштирок этди.

Фильм намоиши муваффақиятли ўтди. Муҳокамада сўзга чиққан Хитой компартияси Турфон қўмитаси

пропаганда бўлими раҳбари Сун Тао фильмга юқори баҳо бериб, у икки давлат ва халқ ўртасидаги муносабатлар янада мустақамланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Туркия TRTнинг таниқли журналисти, кўплаб фильмлар муаллифи Йосеф Сами Камадан, Қирғизистондаги «Слово» газетаси бош муҳаррири Аркадий Гладилов, Қозғистон телевидениеси режиссёри Нурлан Нургазин ва бошқалар фильм ғоят самимий, ишончли ва ҳаётий чиққанини таъкидладилар. Шунингдек, тасвирчи маҳорати алоҳида қайд этилди.

Тақдимот чоғида турфонлик узумчи боғбон Акбар Ғофур ҳам сўзга чиқиб, фильмда Ўзбекистон узумзор боғларини кўргач, уларга мафтун бўлганини ва келгусида албатта ўзаро тажриба алмашиш учун Ўзбекистонга, Олтиариққа бориш истагини билдирди.

Шинжон маъмурлари ўзбек журналистлари яратган фильм телеканал ва интернет сайтлари орқали намоиш этилишини айтишди.

– Мазкур фильм Фарғона вилояти ва Шинжон ўртасидаги маданий алоқалар тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилади, – деди Сун Тао жаноблари.

Мухаммадjon
ОБИДОВ.

Хорижий сармоя — иқтисодий тараққиёт шарти

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ЖАДАЛ ЎЗЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ВИЛОЯТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИНИНГ ТЕЗ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНИБ БОРИШИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИНГ ҲИССАСИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Чет эл сармояси оқими кўпайтириш бу шунчаки ўз-ўзидан амалга ошадиган нарсаси эмас. Бунинг учун мамлакатимизда, жумладан, Фарғона вилоятида хорижлик тадбиркорларга яратилган қулай имкониятлар ва салмоқли имтиёзлар, инфратузилма ва бошқа бир қанча енгилликлар яратилган. Бунинг натижасида қатор-қатор кўп қаватли турар жой бинолари, турли соҳаларда замонавий мажмуалар, саноат корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш объектилари сони кўпайиб, минглаб ишчи ўринлари

ўзлаштириш ва бунинг натижасида 44 мингта юқори даромадли янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Бу улкан вазифани бажариш йўлидаги ишлар босқичма-босқич олиб борилаётган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 442 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган эди, амалда бу 502 миллион долларга ёки режага нисбатан 104 фоизга бажарилди. Йилимизнинг иккинчи чорагини 1,6 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш билан якунлаш кутиляпти. Вилоятда



ҲАЖМИ ОРТАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ,

ЮКСАЛАЁТГАН ЭКСПОРТ ВА КЎПАЙГАН ИШ ЎРИНЛАРИ ДАВЛАТНИ ҚУДРАТЛИ, ХАЛҚНИ БОЙ ҚИЛАДИ

яратилди. Бу “Камбағалликдан – фаровонлик сари” дастури ижросида муҳим ўрин тутмоқда.

Хорижий инвесторларнинг Фарғонага қизиқиши эса йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, экспорт ҳажми ва иш ўринлари кўпаймоқда. Вилоятимизга ташир буюраётган хорижлик сармоядорлар амалга оширилаётган ислохотларни ўз кўзи билан кўриб, ҳар бир ҳудудда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишмоқда.

Вилоятимизда 2024 йилда инвестицияларни ўзлаштириш бўйича сезиларли натижалар қўлга киритилди. Рақамлар тили билан айтганда, бултўр йил якунига қадар 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Яъни, 1182 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 36 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Жумладан, саноат йўналишида 715 миллион долларлик 520 та, хизмат кўрсатиш йўналишида қиймати 269 миллион доллар бўлган 539 та, қишлоқ ҳўжалиги тармоғида 50 миллион долларлик 123 та лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар туяғули ўтган йили вилотимизда 1 миллиард АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Унинг географияси 22 та давлат ҳисобига кенгайди. Миср, Жанубий Африка Республикаси, Мароккаш, Перу, Коста-Рика, Колумбия, Канада, Англия, Сербия, Словакия, Аргентина, Иордания, Қувейт, Франция ана шулар жумласидан. Шуни ҳам айтиш керакики, маҳсулотлар экспорти Италия, Япония, Испания ва Саудия Арабистонидаги тўрт баробар, Бирлашган Араб Амирликлари, Тунис ва Туркияга уч ҳамда Беларусга икки баробар ортди.

Айни пайтда вилотимиз делегациясининг ўтган йили чет давлатларга амалга оширган ташрифи ва инвесторларни вилотга жалб қилиш доирасида имзоланган ҳужжатлар бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”га киритилган қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларилик 158 та лойиҳа устида иш олиб борилаётган.

2025 йилда 1,2 мингта инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 3,7 миллиард АҚШ долларлик хорижий инвестицияларни

маҳаллий инвестициялар дастурлари доирасида 236 та лойиҳалар ишга туширилиб, 3,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Маҳсулот экспорти ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Бу борада ўтган йилги 1 миллиард АҚШ долларлик кўрсаткични 1,5 миллиард долларга етказиш марра қилиб олинган. Ўтган 4 ойда жами 195 миллион долларлик маҳсулот хорижий давлатларга сотилди. Ўтган йилнинг шу даврида бу рақам 178 миллион доллар бўлганини эслаб ўтиш ўринлидир. Экспорт ҳажмида 30 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, 167 миллион долларлик саноат маҳсулотлари чет эл истеъмолчиларига етказиб берилди.

Бу йил Жаҳон банки ва бошқа хорижий линиялар маблағларини ўзлаштириш юзасидан 160 миллион доллар режа белгиланган бўлиб, бугунга қадар кредит суммаси 159,6 миллион доллар бўлган 521 та лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Ҳозиргача жами тижорат банклари томонидан 116 миллион долларлик 324 та лойиҳа истиқболли деб топилди, шундан 46 миллион долларлик 196 та лойиҳа бўйича кредит маблағлари ажратилган. Шунингдек, қиймати 15,9 миллион долларлик 30 та кредит ҳўжатлари тайёрланиб, тижорат банклари ҳамда агентликлар томонидан қўриб чиқилмоқда.

Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланишлар ҳам бўлмайд. Дарҳақиқат, хорижий сармоя иқтисодиётимизнинг равақ топиши, рақобатбардошликни таъминлаш, янги, юксак технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уни модернизациялашнинг зарур шартидир. Бу борада вилотимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва хорижий тадбиркорларнинг ўз сармояси билан Фарғонага интилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги ошиб бораётганидан далолатдир.

Б. АБДУЖАЛИЛОВ.

Farg'ona haqiqati



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор



XX АСРНИНГ 50–80-ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ ЁШЛАРГА ФАҚАТГИНА БИЛИМ БЕРИШ БИЛАН ЧЕКЛАНМАСДАН, УЛАРНИ ЮКСАК АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ БЎЛГАН ЕТУК ИНСОНЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР БЕРДИ. ХУСУСАН, МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА, ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТАДБИРЛАР ЧОҒИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЭСТЕТИК, МЕҲНАТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАР ЭДИ.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – МАЪНАВИЯТ ВА СПОРТ МАСКАНИ

Бўлажак ўқитувчи кадрлар ўзлари танлаган мутахассисликни мукамал билишга ҳаракат қилиш билан бирга, юксак эстетик дидга эга, ёш авлодга ҳар жиҳатдан намуна бўлишлари зарур эди. Бу борада 1960–1961 ўқув йилидан институт ўқув режаларига эстетика фанининг киритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятда санъат ва маданият масаларига катта эътибор қаратила бошланди. Натижада, Фарғона педагогика институтида “Мусика” ва “Қўшиқ” кафедралари очилди. Мазкур мутахассислик бўйича ўрта мактаблар учун кадрлар тайёрлана бошланди.

Шунингдек, институт раҳбарияти ҳамда кафедра ва жамоат ташкилотлари шеъринг кечаларини ўтказиш, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этиш, бадий ҳаваскорлик дасталарини тузишга ҳам доимий эътибор бердилар. Масалан, фақатгина 1964–1965 йилларда ўн беш марта адабий-мусикий кечалар ва тўрт марта ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилди. Шу билан бирга, 1980–1981 ўқув йилида институтда талабалар филармонияси, иккита хор, иккита рақс ва тасвирий санъат тўғраги, иккита вокал-чолғу гуруҳи, талабалар театри фаолият кўрсатди. Ёшларни доимий тарзда театр, кино ва музейларга олиб боришга ҳам эътибор берилди.

Айниқса, мустақиллик йилларида миллий урф-одатлар, ўзликни англаш, маърифат ва маънавият масалаларига катта эътибор қаратилди. Натижада институтда 1996 йилда ушбу соҳадаги ишларни намунали тарзда ташкил этиш учун соҳага оид махсус бўлим ташкил этилди. Унинг Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги “Маънавий-маърифий ислохотларини янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003 йил 2 январдаги “Олий таълим муассасаси “Маънавият ва маърифат бўлими” ҳақидаги Низоми” ҳамда “Маънавият ва маърифат хонасини жиҳозлашга оид баъзи тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи асосида ишлаб чиқилиб, такомиллашиб борди. Ушбу Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимида дастлаб бошлик ва тўрт нафар услубчи фаолият олиб борди. Йиллар давомида ушбу бўлим олий таълим муассасалари, хусусан, Фарғона давлат университети мақомини олган олийгоҳнинг муҳим бўғинига айланиб борди.

Сўнгги йилларда ёшларга, уларнинг таълим ва тарбия йўғунлигидаги фаолиятига катта эътибор қаратилди. Хусусан, “Талабабай” тарзда талаба-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорларини рўёбга чиқаришлариға кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши шароитида айни бўлим фаолияти янада такомиллаштирилди. Жумладан, бугун Фарғона давлат университетида 164 та фан, 13 та спорт секциялари, 7 та ижодий ва бадиий (жами 74 та) тўғараклар фаолият кўрсатади. Уларга қўшимча равишда талабалар турар жойларида ҳам 7 та сайёр тўғарак ишлаб турибди. Тўғаракларга 50 фоиздан зиёд талабалар қамраб олинган.

Университетда маънавий-маърифий тадбирлар ҳафталик (“Маънавият ҳафталиги”, “Театр ҳафталиги”, “Кино ҳафталиги”, “Санъат ҳафталиги”, “Миллий қадриятлар ҳафталиги”, “Миллий либослар тарғиботи кўни”) тарзида ўтказилиши йўлга қўйилди.

“Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Фарғона шаҳридаги 11 та маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда 2023 йилда маҳалла-лардаги “оғир” тоифадаги ёшларни олий таълим муассасаларига бириктириш тизими жорий этилди. Ушбу тизим асосида шу йилнинг ўзида университетга Фарғона шаҳридан 120 нафар, Сўх туманидан тўрт нафар маҳалла ёшлари бириктирилди. Натижада улар билан йил давомида университет ректори бошчилигида 500 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди, беш нафар ёшлар университетга ишга қабул қилинди. Шу билан бирга, саккиз нафар ёшларга замонавий компьютер жамланмаси, саккиз нафарига тикув машинаси, тўққиз нафарига ногиронлик аравачаси олиб берилди. Шунингдек, беш нафар ёшларнинг уйлари таъмирланди.

2024 йилда Қўштепа туманидан 37 нафар ёшлар олийгоҳга бириктирилди. Урганишлар натижасида икки нафарининг уйи таъмирлаб берилди, етти нафари муносиб ишга жойлаштирилди, ўн нафар ёшларга замонавий техника анжомлари олиб берилди. Шунингдек, 2024 йилда ўтказилган “Маърифат улашиб” лойиҳаси тадбирлари орқали 265 та мактаб ва 319 та маҳаллада 300 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, унда 7000 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олтиариқ туманидаги 72 та маҳалла ёшлар етакчилари фаолиятига услубий кўмак бериш мақсадида йил давомида 52 та семинар-тренинг ўтказилиб, ёшлар етакчилари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Юқоридagi ижобий ишлар самараси натижасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича Фарғона давлат университети таърибаси мамлакат олий таълим муассасаларига кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, 2022 йил 22-23 февраль кунлари олий таълим муассасаларининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректорлари учун республика ўқув-семинари ўтказилди. Семинарда 175 та олий таълим муассасаларининг проректорлари иштирок этди.

Шунингдек, 2024 йил 16 март кунини университетда олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – бош мақсадимиз” мавзусида республика миқёсида семинар ўтказилди. Семинарда 150 дан ортиқ олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этди. 2024 йил 25–26 апрель кунлари эса олий таълим муассасалари психологлари иштирокида “Ойладаги муаммолар ва уларнинг психологик оқибатлари” мавзусидаги республика семинари ўтказилди.

Фарғона давлат университетида талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам кенг шарт-шароитлар яратилган. 2021 йилда “Нилуфар” талабалар театр студияси ташкил этилиб, иккита режиссёр штати жорий этилди. Яратилган шарт-шароитлар натижасида “Маърифат майдони” кўрик-танловининг 2022 ва 2023 йилги мавсуми вилот ёшқичида биринчи ўрин қўлга киритилди.

Олий таълим муассасалари ўртасида биринчи марта профессор-ўқитувчиларнинг театр танлови ўтказилди. 2023–2024 ўқув йилида ўтказилган “Театр – ибратхонадир” танловида 260 нафар профессор-ўқитувчилар иштирок этди. Ғолиблар 22,5 миллион сўм миқдорда моддий рағбатлангиларди.

Университетда аънавий (15 йилдан бери ўтказилиб келинаётган) “Талаба баҳори” фестивали ёшларнинг сеvimли тадбирларидан бирига айланган. Фестивалнинг ғолиб жамоаси 2022 йилги мавсумда 35 миллион, 2023 йилда 44 миллион, 2024 йилда 50 миллион сўм миқдорида рағбатлангиларди.

Китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида 2020–2024 йиллар давомида “Энг фаол китобхон”, “Еш китобхон талабалар лигаси”, “Президент асарлари билимдони”, “Конституция билимдони”, “Китобхон талаба” каби танловлар, талаба-қизлар ўртасида “Менинг сеvimли китобим” каби кўрик-танловлар ўтказилди. Бундай тадбирларда

15 000 дан ортиқ ёш йигит-қизлар қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида университетда “Заковат хонаси” ташкил этилди.

Шу тариқа “Заковат” клублари сони ортиб борди. Масалан, улар сони 2021 йилда 32 та, 2022 йилда 57 та, 2023 йилда 93 та, 2024 йилда эса 146 та эди. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини “Заковат кунини” сифатида белгиланди. Натижада университетнинг “Заковат” жамоалари республика турнирларида юқори натижаларни қўлга киритди. Жумладан, ўқитувчилар ўртасида ўтказилган турнирнинг республика босқичида 2022 йилда биринчи ўрин (мукофот 100 миллион сўм), 2023 йилда учинчи ўрин (мукофот 40 миллион сўм), 2024 йилда иккинчи ўрин (мукофот 60 миллион сўм) қўлга киритилди.

Шу билан бирга, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги “Заковат” турнирининг республика босқичида Фарғона давлат университети академик лицейи 2023 йилда иккинчи ўринни, 2024 йилда фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

2022–2023 ўқув йилидан бошлаб жорий этилган “Интеллектуал ҳафталик” ва “Интеллектуал олимпиада” турнирларида ҳам Фарғона давлат университети жамоалари юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. 2024 йил 26–30 май кунлари ўтказилган “Интеллектуал ҳафталик”нинг “Брейнинг” интеллектуал ўйинида фахрли биринчи ўрин (50 миллион сўм) қўлга киритилди. 2024 йил 16–20 декабрь кунлари ўтказилган “Интеллектуал олимпиада” турнири университет тарихига зарҳал харфлар билан ёзилди. Чунки 150 дан ортиқ олий таълим муассасалари жамоалари иштирок этган “Интеллектуал олимпиада” турнирида шашка баҳсларида (мукофот 20 миллион сўм) ҳамда “Эрудит кватер” турнирида биринчи ўрин (100 миллион сўм)лар қўлга киритилди. Шунингдек, Фарғона давлат университети умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, Президент совғаси – 1,5 миллиард сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Талаба-ёшларнинг нотиклик маҳорати ва фикрлаш қобилиятини янада қучайтириш мақсадида университетда “Мунозара” дебат клублари фаолиятини самарали йўлга қўйилган. Хусусан, клублар сони 2015 йилда 7 та, 2021 йилда 14 та, 2022 йилда 17 та, 2023 йилда 19 тани ташкил этди. 2024 йилда эса 5 тага қўпайиб, 23 та клуб фаолияти йўлга қўйилди. Натижада талаба-ёшларнинг сеvimли “Мунозара” турнири вилот босқичида сўнгги уч йилда фахрли биринчи ўрин айнан университет жамоаларига насиб этди. Турнирнинг республика босқичида 2023 йилда учинчи ўрин (15 миллион сўм), 2024 йилда иккинчи ўрин (20 миллион сўм) қўлга киритилди.

Сўнгги 10 йилда беш нафар талаба-қиз Зулфия номидаги, бир нафар талаба-йигит “Мард ўғлон” давлат мукофотлариға сазовор бўлди. Шунингдек, 2015–2024 йиллар давомида ўн уч нафар талаба кўкрак нишони, етти нафар талаба эсдалик нишони билан тақдирланди.

Аънавий тарзда 2018 йилдан ўтказилиб келинаётган “Йил талабаси” танловининг республика босқичида 2020–2024 йиллар давомида Фарғона давлат университетининг тўрт нафар талабалари ғолибликни қўлга киритди.

Шу ўринда Фарғона давлат университети “жиноятчиликдан холи ҳудуд” сифатида белгиланиб, тизимли профилактика ишлар олиб борилаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси “Талабалар хавфсизлиги кунини”, ҳар жума “Хотин-қизлар орасида психологик ва ҳуқуқий маслаҳат” кунини сифатида белгиланган. 2021 йилдан университетда профилактика инспекторлари фаолият кўрсата бошлади.

Ёшлар орасида кенг қамровли маънавий-маърифий ишларни олиб боришда университет тузилмасидаги “Қатагон қўрбонлари хотираси” музейи таълим муассасаларида муносиб иштирок этди. 2024 йилда эса профессионал лигаға йўланма олди.

Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Қатагон қўрбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида қатагон қўрбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 936-сонли қарори асосида ташкил этилган. Ташкилий ишларда жонбозлик кўрсатган С.Сидиков директор этиб тайинланган.

Университет бош биносининг иккинчи қаватида жойлашган музей талабалар ва бошқа ташир буюрувчиларнинг ҳалқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофича ўрганишга, Ватан тақдирини ва келажағига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини қучайтиришга, бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадриға етишига хизмат қилади. Шунингдек, музей ҳалқимиз маънавий-маърифий камолотида, ёшларнинг дунёқарашини ўстириш, бой меросимизни асраб-авайлаш, миллий гурур ва ифтихор, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади.

Университет хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотини ҳам олийгоҳ ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Хотин-қизлар жамоаси томонидан ташкил қилинган “Инсон манфаатлари – олий қадрият”, “Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти”, “Зулфия — ўзбек аёли тимсоли”, “Сен ғўзаллик тимсолисан, мукҳадас аёл!”, “Инсон қадрини ва унинг хотираси мукҳадас”, “Муомала, либос ва биз” мавзуларидаги тадбирлар диний ва миллий бағрикенглик, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, экологик билим ва маданиятнинг шакллантиришда, талаба қизларини соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оилани вужудга келтириш, ҳар томонлама баркамол авлоднинг шакллантириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий саводхонлик даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фарғона давлат университетида жисмоний тарбия ва спортга ҳам катта эътибор берилади. Бу борада жисмоний тарбия факультети кафедралари ҳамда спорт клуби ҳодимлари томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларни спорт тўғралиға жалб қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш алоҳида назоратда. Жумладан, талаба-ёшларни жисмоний чиниктириш ва оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари “Эрталабки бадан-тарбия кунини” сифатида белгиланган. Унда 80 фоиздан зиёд профессор-ўқитувчилар, ишчи-ҳодимлар ҳамда талабалар иштирок этиб келмоқда.

Яратилган шарт-шароитлар натижасида талаба-ёшлар спорт соҳасида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Хусусан, “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг республика босқичида 2023 йилда 3 та, 2024 йилда 1 та спорт туридан ғолиблик қўлга киритилди. “Талабалар лигаси” мусобақаларининг вилот босқичида баскетбол, футбол, волейбол бўйича биринчи, стол теннис бўйича иккинчи ва учинчи ўринлар қўлга киритилди.

Университетнинг “ФарДУ” футбол жамоаси 2023 йилда футбол бўйича Биринчи лига мусобақаларида муносиб иштирок этди. 2024 йилда эса профессионал лигаға йўланма олди.

Катта мақсадлар билан тузилган “ФарДУ” футбол жамоасига янги бош мураббий сифатида ўзбек футболининг ҳақиқий афсонаси, беш карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра кубок соҳиби, 1994 йилдаги Осиё ўйинлари чемпиони, 1997 йилги жаҳон рамзий терма жамоаси аъзоси, “Шуҳрат” медали совриндори, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” Сергей Лебедев тайинланган.

Фарғона давлат университети бугун нафақат маърифат, илм-зиё, балки маънавият ва спорт маскани ҳамдир. Чунки, олийгоҳ аънавий муваффақият ва ютуқлари билан доимо етакчилик қилиб келган. Бугун айни аънавалар давом этмоқда ҳамда эътирофларға сазовор бўлмоқда. Бундай эътирофлар ортида университет таъжассули, жумладан, профессор-ўқитувчи ва ҳодимлар, талаба ёшларнинг ўрни бекиёсдир.

МАТБУОТГА БАХШИДА УМР

ИНСОН ТАШҚИ КЎРИНИШИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ ОЙНАГА ҚАРАБ ТЎҒРИЛАГАНИ КАБИ ЖАМИЯТ ҲАМ ЎЗИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАРНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЎРИБ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАДИ. ШУ МАЪНОДА, МАТБУОТ ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ, АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ, МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТЧИДИР.

Бугун замон ўзгараётган, ҳаёти-мизга янги технологиялар кириб келаётган бир паллада ҳам борлигини сўз орқали ифода этишга, жамиятда кечаётган воқеа-ходисаларни қозғашга тушириб, халқ дарадига қўлоқ тутишга бел боғлаган фидойи журналистлар бор. Улар орасида 40 йилдан буюн туман газетаси саҳифаларида из қолдириб келаётган, сабр, матонат ва ҳалоллик тимсоли, ҳаётини каломга бахшида этган инсон — Раҳимжон Мирзакулов алоҳида эътиборга лойиқдир.

Раҳимжон ака 1960 йилда Бешариқ туманининг Қипчоқ қишлоғида 6 фарзандли оиллада бешинчиси бўлиб туғилган. У оддий, аммо меҳнаткаш Низомикул ака ва Оминахон опанинг меҳр билан тўлиб-тошган бағрида воя-

га етди. Болалиги деҳқончилик, даладаги тер тўкилган оғир, аммо шарафли меҳнат саҳналарида ўтди. — Дадам қишлоқ хўжалиги соҳасининг оддий ишчиси бўлишса ҳам, санъат ва маданиятга ошўфта инсон бўлишган, — дейди Раҳимжон ака. — Болалигимда буюм халқ дostonларини ёддан айтиб берарди. Ижодга ҳавасим ўша пайтларда уйонган. Илк ижод намунам, пахта терим жараёни ҳақида ёзган кичик хабарим 7-синфлигимда "Коммунизм йўли" (ҳозирги "Бешариқ тонги") газетасида чоп этилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида ўқиб юрган кезларида радио ва телевидениеларда амалиёт қилган бўлса-да, чин сўзга муҳаббатни уни газета таҳририятига етаклади. 1985 йилда

туман газетасига мусаххих бўлиб ишга кирди. Кексаларимизнинг "Дарахт бир жойда кўкаради" деган пурмаёно гаплари бор. Раҳимжон ака туман нашрида узоқ йиллар адабий ходим, бўлим мудури бўлиб ишлади, айни дамда эса таҳририят масъул котиби. Устоз "Бешариқ тонги" газетаси таҳририятидаги меҳнат фаолияти давомида "Маънавият устунлари" рукнини ташкил қилиб, 50 дан ортиқ

СЎЗ ВА ОҲАНГ ИЧИДА ЯШАЁТГАН ИЖОДКОР

ФАРҒОНА РАДИОСИНИНГ АДАБИЙ-МАЪНАВИЙ ШАМЧИРОҒИ, ИЖОДИЙ РҲҲНИНГ ТАРБИЯЧИСИ, ЁШ АВЛОД ҚАЛБИДА ИЖОДГА ИШТИЁҚ, СЎЗГА МЕҲР УЙҒОТИБ КЕЛАЁТГАН "АДАБИЙ МУҲИТ" ЭШИТТИРИШИ БОШЛОВЧИСИ, УНЛАБ ЖУРНАЛИСТЛАР УСТОЗИ — НОДИРА СИДДИҚОВАНИ МУХЛИСЛАРИ ЯХШИ ТАНИЙДИ.

1976 йили зиёли оиллада беш фарзанднинг тўнғичи бўлиб дунёга келган Нодира опа дастлаб Қўқон давлат педагогика институтини, кейинроқ эса адабиётшунослик йўналишида магистратура босқичида тахсил олган. Бугун унинг Фарғона вилояти телерадиоканалида фаолият юритиб келаётганига чорак асрдан ошди. Ижодкор тонги эшиттиришлар, адабий дастурлар, маънавий-маърифий кўрсатувлар орқали тингловчи қалбига йўл топади. Фаолияти давомида ёш ижодкорларни кашф этган, уларга илк мартабага эфир минбарига йўл очган, халққа танитган, "оқ йўл" тилаган.

2018 йилда республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинаридаги иштирокидан сўнг улар билан суҳбатдош бўлгандим. Опанинг самимияти, нигоҳларидаги донолик, руҳий гўзаллиги менда чуқур таассурот қолдирган.

У ўз касбини тингловчилар қалбини бойитиш воситаси деб билади. Инсон шуурига маданият уруғини қадамоқ, шеърят шамини ёқмоқдан завқ олади. Тингловчиларга улар эшита олмайдиган нарсаларни эшиттиради — юрак охангини, сўз ортидаги дардини... Ҳар бир суҳбати, саволи, шеърини сатрлари, оханги билан тингловчилар қалбига кириб боради. Баъзилар сўз орқали ишлайди, аммо Нодира Сиддиқова сўз ичида яшайдиган ижодкор.

Ҳаёт уни ҳам кўп синаган, ҳар синовдан сўз билан ўтган, ҳар машаққатни ижод билан енгган. У ҳам она, ҳам ижодкор, халққа зиё улашайтган инсон сифатида кўпчилик меҳрига сазовор бўлди, тингловчи назарига тушди.

Ҳазрат Навоий ва Мавлоно Румийнинг ижодига муҳаббат билан қараши, бахтларини ўзгача талқинлар билан

тингловчига етказа олиши — Нодира опанинг ички дунёси, маънавий олами нақадар юксаклигини кўрсатади. Баъзи инсонлар бўлади — улар ҳаёт саҳнасида шовқин-сурон қилмайди, бироқ, ҳар бир сўзи, ҳар бир қадами ўзидан бир из, бир маъно қолдиради. Улар вақт ўлчовига сиғмайдиган ички дунёси, сўзга бўлган эҳтироми билан инсонга ўзгача руҳ бахш этади. Нодира Сиддиқова — ўзлиги, орасталиги ва ҳалоллиги билан ажралиб турувчи зиёлилардан бири.

Бугун биз ахборотлар довулида яшяпмиз. Ҳар ким сўзлайди, ҳар ким ёзади. Аммо кам сонли инсонларгина сўзининг қудратини англаб, уни виждон ва дид билан ифода эта олади. У ўз фаолиятини шунчаки "касб" эмас, маънавиятга хизмат сифатида англаб яшайди. Айнан шунинг учун унинг эшиттиришлари — ҳақиқат, эфирлари ҳаёт аксидир.

Нодира Сиддиқованинг ҳаёти, фаолияти, кайфияти, овози ва оханги — барчаси инсоний юксаклик ҳақида сўзлайди. Бу бахт ҳар бир ижодкорга насиб этсин.

Озодабону РУСТАМОВА.

ЎЗ ЎРНИ ВА СЎЗИГА ЭГА

БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР ТАШКИЛОТНИНГ ЮЗИ, СЙМОСИ ВА ИШОНЧ ОМИЛИ — УНИНГ АХБОРОТ ХИЗМАТИДОР. ОЧИКЛИК СИЁСАТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХОЛИС ВА ШАФҚОФ АХБОРОТ ТАРҚАТИШДА БУНДАЙ ХИЗМАТЛАР ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА.



Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати айна шундай "кўприк" вазифасини бажаряпти. Туман ҳаётидаги муҳим воқеаларни ўз вақтида ёритиш, халқни янгиликлардан хабардор қилиш ва уларга маънавий озуқ улашиш мазкур ахборот хизматининг кўндалик вазифасига айланган.

Ахборот хизмати раҳбари Дилшод Жабборов фаолиятини тезкорлик, аниқлик ва ҳолислик мезонлари асосида олиб боради. Жамоатчилик билан самарали мулоқотни таъминлашда илғор, ҳамкасблари орасида ўзига хос ўрни ва сўзига эга. Ундаги масъулият, серкира ижод, ахборот тарқатиш услубидаги раванлик касбий маҳоратидан дарак беради. Дилшоджон зиёлилар оиласида улғайди. Ижодга бўлган меҳр оиладаги зиё нуридан жўш урди. Бугунги муваффақиятлари ортида

Мутаттар ТУРҒУНБОЙ қизи.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni



МАТБААЧИ, НОШИР, ИЗЛАНУВЧАН ТАДБИРКОР

Устозлар даъвати билан Украинанинг Львов полиграфия институтини ўқиб, мутахассислик дипломини олган, пойтахт матбаа корхоналарида меҳнат қилди. 2002 йилда Фарғонага қайтди. Механика заводи босмахонасида ишлади, келаси йили эса тўрт нафар ишчи билан "Ёрқин" хусусий корхонасига асос солди. Бу матбаачи, ноширнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши эди. Мана шунга ҳам йигирма икки йил бўлди. Бу давр уни тадбиркор сифатида тоблади, пухта ҳисоб-китобга ўргатди, миқозлар билан муомала қилиш, тажриба орттириш йиллари бўлди ва ҳамон интилишдан, изланишдан тўхтагани йўқ.

Ҳозирда Муроджон Аҳмедов бошқараётган "Полиграф супер сервис классик" МЧЖ узоқ йиллар мўқим бинаго эга бўлмай, ижарага олинган биналарда фаолият кўрсатди. Мамакатимизда тадбиркорларга яратилган имконият ва имтиёзлар тўғрисида масъулият чекланган жамиятга Фарғона шаҳрида ташкил этилган "Машинасозлар" кичик саноат ва тадбиркорлик зонасидан жой ажратилди.

— Корхонамизда 28 нафар ишчи-

ходимлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 26 нафари хотин-қизлар. Ҳамкасбларимиз учун барча шароитларни яратганмиз. Шу ернинг ўзида бепул тушлик, дам олиш жойлари ташкил этилган. Ойлик маош ўртача икки миллион сўмдан. Ўтган йили 600 миллион сўмлик матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқардик. Бу йил ушбу кўрсаткични 1 миллиард сўмдан оширишни мақсад қилганмиз. Ўтган 5 ойда 500 миллион сўмлик матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди. Германия, Япония, Хитой каби давлатларда ишлаб чиқарилган полиграфия дастгоҳларининг олиб келиб ўрнатилиши корхонамиз имкониятларини янада кенгайтирди. Буюртма асосидаги матбаа маҳсулотлари, газета-журналлар ва китобларни рангли, тез ва сифатли чоп этиш, миқозларга алоҳида хизмат кўрсатиш — бизнинг шioriимиз, — дейди у.

Нашиёт-матбаа корхонасида ўтган йили 100 дан ортиқ номдаги китоблар чоп этилди. "Қўтлўғ қадам" номли китоб ўзбек ва инглиз тилларида босиб чиқарилиди. Шунингдек, "Устозлар хотирасига эҳтиром", "Яшил энергетика ишлаб чиқариш, ташкил этиш ва бошқариш", "Яшил иқтисодиёт

ўқимишли мақолалар, бадиалар чоп этди.

Раҳимжон ака дастлабки иш бошлаган кунларини мароқ билан эслайди. Одамлар қалбини, дардини, шодлигини қозғашга қўчириш — унинг касби эмас, ҳаёт тарзига айланди. Йиллар ўтди. Аммо юрагидagi матбуотга садоқат, ҳаётга муҳаббат, сўзга ҳурмат — ўша-ўша.

Раҳимжон Мирзакулов таҳририятда таниқли журналистлар Охунжон Исоқов, Собиржон Асқаров, Адхамжон Бобоев, Илҳомжон Сиддиқов, Қодиржон Маматов, Абдужалил Бобожинов, Озодажон Омоновадан сабоқ олган бўлса, бугун унинг ўзи устозлик мақомида. 20 дан зиёд шогирдларини тарбиялади. Уларнинг айримлари республика ОАВларида, баъзилари вилоятимиздаги турли таҳририятларда ишлашмоқда, У ўз фаолиятида журналистнинг асосий мезони — ҳалоллик, ҳаққонийлик ва адолат эканини амалда намоеън этди. Ҳозирга қадар ҳар бир воқеа-ходисага теран нигоҳ билан қараб, энг оддий хабарни ҳам юракдан чиққан сўз билан ифода этади.

— Газетачиликдан ортиб, бадий ижод билан ҳам шуғулландим. "Унутилган овоз" пьесаси, "Фаришта" қиссаси ва "Довқон ибодати" романини

ёздим. "Ғавсул аъзамнинг бешариқлик авлодлари" китобим нашрдан чиққан. "Водий овози" тўпламида ҳикояларим, улўғ хофиз Шерали Жўраевнинг "Бир кўшиқ кўйлайки, ҳатто..." китобига хофиз ижодига бағишланган иккита бадиам киритилди.

Бешариқ томонга йўлингиз тушса, ҳар кун тонгда туман газетаси таҳририяти томонга шошаётган камтар, очикқўнғил инсонни учратасиз. У устоз журналист Раҳимжон Мирзакуловдир.

Туман газетасининг бугунги мавқеи, халқ орасидаги обрўси, авлодлар орасидаги давомийлги — Раҳимжон Мирзакулов сингари фидойи инсонлар меҳнатининг натижасидир. Шубҳасиз, унинг қаламидан ҳали яна кўплаб ҳаётини мақолалар, самимий суҳбатлар, теран таҳлиллар туғилади. Зеро, бундай фидойи журналистлар — матбуотда кам, лекин жуда қадри. Уларнинг ҳаёт йўли эса ёш журналистлар учун устозлик мактабидир.

Дарвоқе, устоз оилада меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи, ҳаёт йўлдоши Ғавҳарой опа билан тўрт қиз, бир ўғилни тарбиялаб, бирга, елкадош бўлиб яшаб келишмоқда.

Дурдона ҒОФФОРОВА.

СЕРКИРРА



ЖУРНАЛИСТ

СЎХНИНГ ПУРВИҚОР ТОҒЛАРИ БАҒРИДА УЛҒАЙГАН ЖАҲОНГИРНИНГ ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ЭДИ. У "ДЕМУРСАД" МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДАГИ 10-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИ 9-СИНФИНИ ТУГАТГАЧ, КЕЛГУСИДА ТИББИЁТ ХОДИМИ БЎЛИШНИ МАҚСАД ҚИЛДИ. ШУ НИЯТ БИЛАН ФАРҒОНА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ЎҚИДИ. СЎНГРА ҚАЛБИДА ЗАВҚ УРАЁТГАН БАДИИЙ ИЖОД ТУФАЙЛИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛДИ.

Жаҳонгир Собиров мутахассислик дипломини қўлга олгач, "Сўх" телеканалда жамоатчи мухбир бўлиб иш бошлади. Аввалига турли мавзуларда кичик лавҳалар тайёрлаган бўлса, маҳорати ошиб боргани сайин кўрсатувларининг салмоғи ҳам ортди.

Орадан йигирма йилга яқин вақт ўтибди. Бу даврда тележурналист баракали ижод қилди, суҳандон, махсус мухбир вазифаларида фаолият юритди. Айни пайтда катта муҳаррир сифатида эфирга узатилаётган кўрсатувларнинг бадиияти, эстетик ғояси, сифати учун масъул.

Жаҳонгир "Сўх" телеканалда асосан тожик тилидаги кўрсатувларни олиб боради. У кунига водий вилоятлари ҳаётига оид хабар ва янгиликлар эфирга узатиладиган "Паёми рўз" ("Кўн хабари") информацион дастурининг лойиҳа раҳбаридир.

— Ахборотга янгилик ёндашув, аудиториянинг эътиборини тортиш журналистан тинимсиз изланишни талаб этади. Мўҳим мавзулардаги таҳлилий кўрсатувлар мухлислар сонининг ортиб боришига, пиروвард натижада, телеканалнинг умумий рейтингига ижобий таъсир ўтказиши, — дейди Жаҳонгир Собиров. — Бугун техника асрида аҳолини телевизор қаршисига "мих-

лаб" қўйиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам ҳамкасбларимиз янгилик ижодий ёндашувлар устида иш олиб боришяпти.

Жаҳонгирнинг "Сўх" туманида амалга оширилаётган ишлохотлар, икки муазам қавм — ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги, ҳаёти, аҳолини қўйиб келаётган муаммолар ва унинг ечимига доир тайёрлаган кўрсатувлари "O'zbekiston-24", "Farg'ona TRK", "Mahalla" ва "Renessans TV" телеканаллари орқали ҳам мунтазам эфирга узатишмоқда.

Бундан ташқари, Жаҳонгир Собиров Тожикистоннинг Хўжанд шаҳридаги "Хафт ситора" телеканални билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. У тайёрлаган лавҳалар телеканалнинг "Имрўз" ("Бугун") информацион дастури орқали доимий бериб боришмоқда.

Журналист энг мураккаб шaroитларда ҳам ахборот олиш ва тарқатишда мураккаб вазифани адо этади, ўз телеомошабинининг қалбига кириб боради. Жаҳонгир Собировнинг "Сўх" ола-лари ширинлиги нимада? — "Касбидан барака топган сўхлик чевар момо", "92 ёшдаги сўхлик эгизаклар" каби қатор кўрсатувлари самимий ва камтарини халқимиз ҳаёти, бахтиёр турмуши, ҳалол меҳнат эвазига яралган бахтидан сўзлайди.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

ЁЗЁВОННИНГ ГУЛИСТОН ҚИШЛОҒИДА УЛҒАЙГАН МУРОДЖОН АҲМЕДОВ БУНДАН ҚИРҚ ЕТТИ ЙИЛ ИЛГАРИ ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИНИ ТУГАТГАЧ, 1978 ЙИЛДА "ЁШ ҒАРДАЧ" НАШРИЁТИГА ТЕХНИК МУҲАРРИР БЎЛИБ ИШГА КИРДИ. УНИНГ ОМАДИ ШУНДА ЭДИКИ, ЎША ПАЙТДА НАШРИЁТНИ ТАНИҚЛИ ШОИР ЭРКИН ВОҲИДОВ БОШҚАРАР, КИТОБЛАР МИНГ ЧИҒИРҚДАН ЎТИБ, СЎНГ БОСИШГА РУҲСАТ ЭТИЛГАН. ЭЛИМИЗНИНГ ЯНА БИР АРДОҚЛИ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ "ЮЗМА-ЮЗ" КИТОБИГА ТЕХНИК МУҲАРРИРЛИК ҚИЛИШ БАХТИГА ҲАМ МУЯССАР БЎЛГАН.

ҳақида шартнома имзоланди.

Кўндалик истеъмолда фойдаланаятган целлофан пакетларнинг табиатга етказаятган зарарини бартараф этиш дунё миқёсидаги глобал муаммолардан биридир. Муроджон шу йўналишда иш олиб бориб, компания гранти ҳисобига чет элдан қозғош пакетлар ишлаб чиқариш технологиясини олиб келиб ўрнатмоқчи, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш, 24 киловаттлик қуш панеллари ўрнатиш, янги иш ўринлари барпо этиш ҳаракатида.

"Полиграф супер сервис классик" МЧЖ раҳбарининг ҳайрия ишлари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, ўнг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин, деган нақлга амал қилиб, бу ҳақда ёзишимизни истамади. Шунга қарамадан, биргина гапни айтиб ўтсак бўлади: ҳар йили бир нафар имконияти чекланган ижодкорнинг китобини корхона маблағи ҳисобидан чоп этиш аънаънага айланган. Бу йил ҳам шундай китоблардан бири дунё юзини кўрди, бир ижодкорга қувонч, юзлаб китобхонларга эса зиё улашилди.

Абдуҷалил БОБОЖОНОВ.

Yoshlar SAHIFASI



Boburbek MO'MINOV,
Yoshlar ishlari
agentligi
viloyat bo'limi
rahbari

ORZU, ISTE'DOD VA MAS'ULIYAT PALLASI

YOSHLAR DAVLATNING ISLOHOTLAR MARKAZIDA TURGAN DAVRDA YASHAYAPMIZ. DAVLATIMIZ RAHBARINING DOIMIIY E'TIBORI, QABUL QILINAYOTGAN QARORLAR VA AMALGA OSHIRILAYOTGAN TASHABBUSLAR – NAFAQAT BUGUNGI AVLODGA, BALKI ERTANGI TARAQQIYOTGA KIRITILAYOTGAN MUHIM SARMOYADIR.

Yoshlik – orzu, iste'dod, mas'uliyat pallas. Bu davrda inson serg'ayrat, ruhan va jismonan ko'p narsaga qodir bo'ladi.

E'tibor va g'amxo'rlikdan unumli foydalanayotgan yigit-qizlar endi hech kimdan ortda qolmayapti. Mahallalarda ajratilgan yer maydonlari orqali minglab navqironlar "dehqon xo'jaligi"ni tashkil etib, tengdoshlarini ish bilan ta'minlamoqda. Bu – halol mehnatda suyaqi qotgan, elparvar yangi avlod yetishayotganidan dalolat bermoqda.

Joriy yilda viloyatimizdagi mahallalarda o'tkazilgan keng qamrovli o'rganishlar natijasida "yoshlar balansi" shakllantirilib, 1 milliondan ortiq yoshning ichki dunyosi, ehtiyojlari, qiziqishlari o'rganildi.

Shu jarayonda, ijtimoiy yordamga muhtoj, ishsiz va ruhiy qiyinchiliklar bilan yuzma-yuz kelayotgan 7 mingdan ziyod yosh alohida e'tiborga olindi. Ular turli davlat tashkilotlari tomonidan o'taligacha olinib, yer maydonlari ajratildi, o'zini o'zi band qilganlar uchun subsidiya asosida mehnat qurollari taqdim etildi, doimiy ish bilan ta'minlanish barobarida, qonuniy tashqi mehnat migratsiyasiga jalb etildi.

Buning natijasida bir paytlar qanday kun kechirishni o'ylab yurgan yoshlar bugunga kelib ish o'rnlari yaratmoqda, mamlakat iqtisodiyotiga o'z hissasini qo'shmoqda.

Joriy yilning shu davriga qadar "daftar" orqali 4300 nafar yoshlarga ta'lim va kasb-hunar xarajatlarini qoplab berish barobarida, ularga zaruriy tibbiy yordam va ijtimoiy ko'mak ko'rsatildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-fevraldagi "Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish va bandlegini ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga asosan AT "Aloqabank"ning 2025-2027-yillarga mo'ljallangan "Yoshlar biznesi" dasturi ishlab chiqildi.

Dasturga muvofiq, 2025-yil davomida 833 nafar yoshlarga 108 milliard so'mlik kredit mablag'lar ajratish orqali 2894 ta yangi ish o'rni yaratish nazarda tutiladi.

"Biznesga birinchi qadam" loyihasi orqali 769 nafar jismoniy shaxslarga 23,0 milliard so'm kredit ajratish orqali 769 ta, 64 nafar yuridik shaxslarga 85 milliard so'm kredit berilishi natijasida 2125 ta yangi ish o'rni yaratish rejalashtirilmoqda.

108 milliard so'mlik kredit mablag'larini birinchi yarim yillikda to'liq o'zlashtirish maqsadida, har bir shahar va tuman uchun "1000 yosh tadbirkor – 100 ta tashabbuskor" loyihasi ishga tushirildi.

Dasturning amalga oshirilishi yoshlar o'rtasida tadbirkorlik madaniyatini keng targ'ib qilish, iqtisodiy faollikni oshirish va yangi ish o'rnlari yaratishda muhim qadam bo'lmoqda.

Ahamiyatli, yoshlar bilan ishlash,

ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, turli jinoyatchilikning oldini olishda faqat shior yoki dastur bilan cheklanmasdan, mukammal ijtimoiy platforma orqali targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

"E-ijtimoiy profilaktika" platformasi orqali mahallalarda 8071 nafar ijtimoiy profilaktika obyekti bo'lgan yoshlarning turmush tarzi, xulq-atvori, oilaviy sharoiti to'liq o'rganilib, ularning xohish-istaklari asosida manzilli yordam ko'rsatildi.

Amaliy ishlarimiz natijasi o'laroq, joriy yilning shu davriga qadar viloyatimizda voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar soni o'tgan yilning shu davriga qaraganda 14 foizga kamaydi.

Yoshlarning ilmiy salohiyatini oshirish, kitobxonlik madaniyatini shakllantirish maqsadida yo'lga qo'yilgan "Ibrat farzandlari" loyihasi doirasida 112 ming nafar yoshlar 23 ta xorijiy tillarni o'rganishdi. "Ustoz AT" loyihasi asosida 10,6 ming nafari 20 turdagi kasb-hunarni egallashdi.

Davlatimiz rahbari ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalaridagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish maqsadida yoshlarga e'tiborni kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni tarqatib qo'yish, xotin-qizlar bandlegini oshirish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi.

Kelajak avlodlarining ertangi is-tiqboli, ma'naviyatimiz rivoji uchun xizmat qiluvchi ezzug tashabbuslar tufayli viloyatimiz yigit-qizlari turli sport va madaniy tadbirlar, to'garaklarning bevosita ishtirokchisi bo'lmoqda. Ayniqsa, yozgi ta'til vaqtida umumta'lim maktablari o'quvchilari va talabalarining bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, 30 iyun – Yoshlar kuni munosabati bilan "Yoshlar oyligi" tadbirlarining yuqori darajada o'tkazilishi ertangi kun egalariga ko'tarinki ruh bag'ishladi.

Oylik doirasida tashkil etilgan yosh xodimlar ishtirokidagi turli forum, festival va konferensiya, gala-konsertlar, turistik sayohatlar, madaniy-ma'rifiy tadbirlar, shuningdek, zamonaviy professional kadrlarni tayyorlashga qaratilgan malaka oshirish kurslari, seminar-treninglar orqali yangidan-yangi iste'dod egalarini kashf etildi.

Sharoit va imkoniyatlarga munosib javob sifatida yosh avlodning "Men jamiyatga nima bera olaman?" degan kayfiyat bilan oldilariga katta maqsadlarni qo'yayotgani zimmamizga yuklatilgan vazifalarni siddiqdildan ado etishimizga undamoqda.

Quvonarlisi, har bir tuman, mahallada, har yoshning hayotida ijobiy o'zgarishlar kuzatilyapti. Bu esa jamiyatimiz yigit-qizlari orasida vatanparvarlik, javobgarlik va daxldorlik tuyg'usining kuchayib borayotganining isbotidir.

“MAQSADLAR RO‘YOBI INTILISHDA”

Ilimga tashna yoshlar hayotida katta o'zgarishlar yuz bermoqda. Jamiyat rivoji uchun muhim mavzularda tadqiqot ishlari olib borayotgan yosh olimlar uchun katta imkoniyatlar yaratib berilyapti. Bundan oqilona foydalangan Mohro'y Farg'ona davlat universiteti professori, filologiya fanlari doktori Zuhro Akbarova rahbarligida "Kichik maktab yoshidagi o'quvchilar nutqini o'stirishda mnemotexnik usullardan foydalanish" mavzusida ilmiy tadqiqot ishini muvaffaqiyatli himoya qildi. Unga pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasi berildi. Olimaning ilmiy maqolalari mahalliy va xorijiy ommaviy axborot vositalarida chop etib kelinmoqda.

– Mnemotexnika – insonning xotirasini yaxshilash va eslab qolish qobiliyatini oshirish uchun mo'ljallangan turli usullar jamlanmasidir. Odatda bolalar tili-

**deydi
yosh olim
Mohro'y
Muxtoriy**

mizdagi ibora va maqollarning ma'no-larini tushunmaganligi bois, so'zlashuv nutqida qo'llamaydi. Biz buni mnemotexnik usullar yordamida o'rgatsak, farzandlarimizning nutqi ravonlashib, tafakkuri teranlashadi, – deydi u.

Shu yil Mohro'y muallifligida o'quvchilarning so'zlashuv va fikrlash qobiliyatini oshiruvchi, so'zlar ma'nosini chuqur anglab yetishiga yordam beruvchi "Iboralar lug'ati" va "Maqollar lug'ati" kitobi chop etildi. Kitoblarning

elektron varianti telefon ilovalari shaklida o'quvchilar foydalanishlari uchun respublikamiz maktablariga tavsiya qilindi.

Mohro'y "Vaqtning ketdi – naqdning ketdi" shioriga amal qiladi. U hali yosh, lekin har bir daqiqaning qadriini biladi. Bu esa uni ko'zlagan maqsadiga yanada to'g'ri va dadil odimlashga undab kelmokda.

Vaziraxon MIRZAYEVA.



QO‘LI GUL TIKUVCHI QIZ

Mehrona tumandagi 10-umumta'lim maktabining 11-sinf o'quvchisi. U yoshligidan chevarchilikka qiziqadi. Onasi mohir tikuvchi bo'lgani bois, yashash xonadonida sex ochib, mahalladosh qizlarga ham bu hunarni o'rgatib kelar edi. Mehrona ana shu muhitda ulg'aydi. Uning bolaligidagi yinchoqlari ham qaychi, mato bo'laklari bo'lgan.

**SO'XLIK YOSH
HUNARMAND MEHRONA
TO'XSANJONOVA
TIKKAN AYOLLAR VA
BOLALAR LIBOSLARI.
YO'LOQ CHOYSHABLARI
HAMDA YOSTIQ
JILDHLARI KO'PCHILIKKA
MA'QUL KELMOQDA.**

Mehrona yozgi ta'til oldidan vaqtincha ishlamay turgan sexni qayta ishga tushirdi, 6 nafar xotin-qizlarni band etdi. 20 nafar-ga yaqin dugonalarga tikuvchilik sir-asrorlarini o'rgata boshladi. Yosh chevar tikayotgan kiyim-kechaklar bozorlarda xaridorlari, muhimi talab ortmoqda.

– Yozgi ta'tilda maktab o'quvchilarining bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish maqsadida maktabimizda ham turli to'garaklar

ishlab turibdi. Ammo biz Mehronadan tikuvchilikni o'rganishni niyat qildik, – deydi E'tiborxon Saidjonova.

Mehrona kelgusida tikuvchilik sexini kengaytirib, qo'shimcha ish o'rnlari yaratmoqchi. Milliy va zamonaviy uslubdagi liboslar, kelin sarpolarining yangi uslublari ustida ishlamoqda. O'zi tikkan mahsulotlarni "So'xda tikilgan" brendi ostida respublikamizdagi, kelajakda esa xalqaro bozorlarga chiqarishni rejalashtirmoqda.

Jahongir SOBIROV.

UCHINCHI RENESSANSNING MUNOSIB VORISLARI



PREZIDENTIMIZ SHAVKAT MIRZIYOYEV TA'KIDLAGANIDEK, “UCHINCHI RENESSANS MAKTAB OSTONASIDAN BOSHLANADI”. BU YURTIMIZDAGI KO'PLAB MAKTABLARDA O'Z TASDIG'INI TOPMOQDA. XUSUSAN, FARG'ONA SHAHRIDAGI 40-UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABI ANA SHUNDAY MA'NAVIY UYG'ONISH JARAYONIDAGI YETAKCHI MASKANLARDAN BIRI HISOBLANADI.

O'quvchilar orasida fan olimpiadalari, til sertifikatlari, ijodiy tanlovlar va sport musobaqalarida g'olib bo'lganlar soni yil sayin ortib bermoqda. O'tgan o'quv yilda maktabni 84 nafar o'quvchi tamomlagan bo'lsa, ularning 76 nafari o'liy ta'lim muassasalariga o'qishga kirdi.

Joriy yilda 122 nafar bitiruvchi mustaqil hayotga odim tashladi. Ularning 41 nafari hozirda milliy va xalqaro sertifikatlar bor. Aksariyat o'quvchilarimiz muddatidan oldin turli oliygo'harlarga talabalikka qabul qilindi.

O'quvchilardan biri – Eldorbek Usarovning qo'lga kiritgan natijasini alohida e'tirof etish o'rinni. U yaqinda xalqaro IELTS imtihonida 8.0 ballni qo'lga kiritdi. Bu natija nafaqat maktab, balki shahar, viloyat miqyosida ham kam uchraydigan yutuqlardan sanaladi.

Toshkent shahrida joylashgan xalqaro Turin politexnika universitetiga muddatidan avval 2-bosqichga grant asosida qabul qilingan Eldorbek oliygo'har 2+2 dasturi asosida, ya'ni ikki yil Toshkentda, ikki yil Italiyada ta'lim oladi.

Gulasal Salimova rus va ingliz tillarida erkin muloqot qila oladigan, bilimga chanqoq va har tomonlama iqtidorli o'quvchilar qatoriga kiradi. U xorijiy tillarga bo'lgan qiziqishi va intilishi tufayli IELTS xalqaro imtihonidan muvaffaqiyatli o'tib, muddatidan oldin AQSHning uchta yetakchi universitetiga o'qishga qabul qilindi. Gulasal xorijiy tillardan tashqari, adabiyot, ijtimoiy fanlar va axborot texnologiyalari sohalarida ham muvaffaqiyat qozonmoqda.

ABDULAZIZ – MIRISHKOR FERMER

ABDULAZIZNING BOLALIGI DALADA KECHGAN. U ERTA TONGDANOQ DADASI, TAJRIBALI DEHQON ALOHIDIN AKA BILAN DALA YUMUSHLARIGA KIRISHIB KETAR EDI. SHU-SHU UNING QALBIDA YERGA MEHR UYG'ONGAN. HALOL MEHNAT EVAZIGA YERDAN UNAYOTGAN BARAKA ORTIDAN RO'ZG'OR TO'KIS BO'LAYOTGANI UNGA G'AYRAT-SHIJOAT BAG'ISHLARDI.



Abdulaziz Alohidinov bugun Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar institutining 3-bosqich talabasi. Shu bilan birga, Quva tumanidagi "Abdulaziz Sherali saxovati" fermer xo'jaligi ish boshqaruvchisi.

– Fermer xo'jaligimiz 2016-yilda tashkil etilgan bo'lib, bug'doy va paxta yetishtirishga ixtisoslashgan. Bu yil 37 gektar maydonga bug'doy, 26 gektarga paxtaning hosildor navini ekkdik. Yil bo'yi qilingan mehnat samarasi bugun o'z natijasini berdi. Mana bug'doy maydonlarida o'rmon boshlandi. Gektaridan 90 sentnerga yetkazib hosil olish niyatimiz bor, – deydi Abdulaziz.

Abdulaziz singari yosh fermerlar mamlakat iqtisodiyoti rivoji, aholi bandlegini ta'minlash, ichki bozorga arzon va sifatli qishloq xo'jalik mahsulotlari yetkazib berishga hissa qo'shyaptilar.

M.USMONALIYEVA.

Bir so'z bilan aytganda, bitiruvchilarimiz o'z bilim, mehnati va iqtidori bilan Uchinchi Rennessansning munosib vorislari ekanini amaliy jihatdan namoyon etmoqda. Ular bilimga chanqoq, tillarni bilishga intiluvchan, zamonaviy texnologiyalardan xabardor, eng muhimi – Vatan taqdiriga befarq bo'lmagan yoshlardir.

Ma'rifatxon INOMOVA,
Farg'ona shahar 40-umumiy o'rtta ta'lim maktabi o'qituvchisi.



Фарзандларимиз хавфсизлиги ВА КЕЛАЖАГИГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН

ХАБАРИНГИЗ БОР, ЖОРИЙ ЙИЛ 25 ФЕВРАЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДИНИЙ СОҲАДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. МАЗКУР КОНЦЕПЦИЯ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ РИВОЖИНИНГ БОЙ МИЛЛИЙ-ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИГА ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН БЎЛИБ, КЎП МИЛЛАТЛИ ВА КЎП КОНФЕССИЯЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ, ДЕМОКРАТИЯ, ДУНЁВИЙЛИК, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИК АСОСИДА ЎЗАРО ТОТУВЛИКДА ЯШАШ ҲАМДА ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШ УЧУН ЗАРУР БАРҚАРОР МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.

Қонун тўғри ва ўз вақтида қабул қилингани, диний қадриятлар Ўзбекистон халқининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланишига ҳамда уларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилиб келаётганини эътироф этиш керак. Шу билан бирга, Ўзбекистонда диний таълим тизимининг ривожланишига катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Бугунги кунда 4 та олий ислом таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси, шу жумладан, 2 та аёллар мадрасаси, шунингдек, православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда телерадиодастурлар эфирга узатилаётганлиги, 14 тилда газета ва журналлар chop этилаётганлиги, 155 та миллий маданий марказ эркин фаолият юритаётганлиги миллатлараро

тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунаси ҳисобланади.

Ҳужжатда қайд этилганидек, қонунлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга муайян бир динга хос қоидаларни жорий этишга бўлган уринишлар, аёллар ва эркеклар ҳуқуқлари тенглигини шубҳа остига қўйиш, фуқаролик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш, ижтимоий ахлоқ нормаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни инкор этиш, жамият тараққиёти, бирдамлиги ва барқарорлигига путур етказувчи қонунга хилоф ғоялар ва қарашлар тарқалиш ҳоллари учрамоқда.

Қолаверса, ахборот маконининг глобаллашуви натижасида ижтимоий тармоқлардан эркин фойдаланилиши, ёшларнинг миграция жараёنларига кенг жалб қилиниши шароитларида радикаллашувга сабаб бўлувчи омилларни тўлиқ назорат қилиш имконияти чекланган. Бундай ҳолатлар халқнинг, жамият ва давлатнинг ҳамжиҳатлигига

хатар бўлиб, қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий тартиботга муносабати салбий томонга ўзгаришига, ватанпарварлик туйғулари емирилишига, оилавий низо-ларга олиб келиши мумкин.

Қонунчилигимизга кўра, фуқаролар хоҳлаган динга эътиқод қилиш, эътиқодни ўзгартириш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидан эркин фойдаланади. Диний қарашларни ёки динга эътиқод қилмаслиқни мажбур сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатнинг муҳим моҳиятидан бири шундаки, қонуний лицензияси ва махсус рухсатномаси бўлмаган шахслар томонидан диний таълим бериш тақиқланади. Бу талаб, аввало, фарзандларимизнинг хавфсизлиги ва келажагини таъминлашга қаратилган.

Айни пайтда, мактаб дарсликларида “Тарбия” фани орқали болаларимиз он-гига асосий диний тушунчалар, маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва оила-вий муқаддас одатлар сингдирилмоқда.

Бу етарли ва мувозанатли ёндашув ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда “диний таълим” ниқоби остида баъзи ғаразли мақсадларни кўзлаган шахслар пайдо бўлаётганидан қўз юмолмаймиз. Улар ота-оналарнинг ишончидан фойдаланиб, ёш қизлар ва ўсмирларни турли ғоялар таъсирига солмоқда. Шундай экан, биз ўз фарзандларимизни асрашни, уларни қандай таълим олаётганига бефарқ бўлмаслиқни ўрганишимиз керак.

Диний тарбия, аввало, оилада берилиши лозим. Ҳар бир ота-она фарзандига ўз билими ва ҳаётий намунаси орқали эзгу қадриятларни сингдириши зарур. Агар ота-она ўзи тушунмаган, билиб етмаган мавзуларда боласига таълим беришга мажбур бўлса, натижа салбий бўлиши мумкин.

Қонун шу каби таҳдидларни бартараф этишга хизмат қилади. Чунки тартиб ва назорат бўлмаса, ғаразли кучлар болаларимизни ўзига, боши берк кўчига тортиши мумкин. Шунинг учун мажкур қонунни фарзандларимизни ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида қабул қилиш керак.

Рисолатхон МАМАЖОНОВА,
Ўзбекистон “Миллий тиклиши”
демократик партияси Фарғона
вилояти кенгаши раиси
ўринбосари.

Хотин-қизларга ЭЪТИБОР КЎЛАМИ ОРТМОҚДА

Юртимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, жойларда уларни иш билан таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда сифатли таълим олишларига оид чора-тадбирлар кўлами ортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган, шунингдек, эҳтиёжманд оилалардан бўлган хотин-қизлар учун алоҳида қабул квоталари доирасида олий таълим олиш имкониятлари яратилгани эътиборга молик.

Тавсияномани кам таъминланган, тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, ногиронлиги бўлган ота-

онанинг фарзандлари каби бир қатор тоифаларга мансуб хотин-қизлар олиши мумкин ва улар алоҳида танлов доирасида кириш имтиҳонларида қатнашади. Беш йиллик стажга эга, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун эса 500 та квота ажратилган. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан беш йиллик стажга эга хотин-қизларга тавсияномалар берилади. Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасаларида магистратурада ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилмоқда.

Олий таълим ислохотларининг муҳим қирраларидан яна бири ёшларимизнинг аввал тест топ-

шириб, сўнг олий ўқув юртини танлаш имконига эга бўлгандир. 2024-2025 ўқув йилидан давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича имтиҳонлар “Аввал тест, сўнг танлов” тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиши белгиланган.

Ўқув абитурientлар ўз танловига кўра тест синов натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади.

Нодира АБДУВАЛИЕВА,
ФарДУ “Бошланғич таълим услубиёти”
кафедраси доценти.
Гулҳида ИКРОМОВА,
кафедра катта ўқитувчиси.



Таълим сифатини ошириш – УСТУВОР ВАЗИФА

Мамлакатимизда илм-фанга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, таълим соҳасида кейинги йилларда катта ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Билим даргоҳларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу, ўз навбатида, таълимнинг сифати ва даражасини оширган ҳолда, ёшлар ўртасида олий таълим олишга бўлган иштиёқни кучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилга ривожлантириш концепциясида соҳада давлат ҳусусий шериклиқни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш белгиланган. Утган қисқа даврда ушбу ҳужжат соҳада таълим сифатини ошириш йўлида туб

ислохотларни олиб боришга имкон берди.

Янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 51-моддасида фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақлилиги, олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ ака-демик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Бу эса, мамлакатимизда ёшлар сиё-

сати устувор эканлигига ишора бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ёшларнинг давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратурада таълим олишлари орқали ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этишларига имкониятни кенгайтиришдир.

Албатта, таълим соҳасига бу даражада катта эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Бинобарин, юртимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш, барча куч-ғайратни бирлаштириш ва фидокорона меҳнат қилиш

орқали Янги Ўзбекистонни, пировардида, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш мумкин.

Умуман олганда, мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Мақсад битта: замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборат.

Ҳилола САИПОВА,
ФарДУ “Бошланғич таълим услубиёти” кафедраси доценти.
Зулфия ОРТИҚОВА,
кафедра катта ўқитувчиси.

Танлаган маҳсулотимиз ТАБИЙ (МИ?)

Дўкон расталарига терилган мева-сабзавотлар, чиройли қадоқланган йогурт-у ширинликлар бизга соғлом ва зарарли, аралашмалардан ҳолидай кўринади. Айниқса, “100 фоиз табиий” деган ёзувни ўқиб, кўнглимиз таскин топади. Аслида-чи, булар қанчалик табиий?

Болаликда боғимиздаги олмани шоҳидан узиб еганимиз, саратонда пишган узумлар-у, дорисиз этилган помидорлар орзуга айлангандек. Бугун озиқ-овқат маҳсулотлари sanoати бизга “тезроқ”, “кўпроқ”, “чиройлироқ” деган мезонларни берктиб, “табиий” деган ниқоб ортида тақдим этилмоқда.

Мева ва сабзавотлар етилишини тезлатувчи ўсиш стимуляторлари, ҳашаротларга қарши пестицидлар, пишганини сақлаб қолиш учун пуркаладиган моддалар маҳсулотга табиий кўринишигана беради холос.

Ташлаганда қарсиллаб суви отилаётган бодрингнинг ичида нитратлар миқдорлари қанча эканини кўз билан кўриб бўлмайди. Қишқи қулупнайнинг ранги қип-қизил бўлса-да, таъмини ўхшатмайсиз, тупроқ ҳиди ёки қуёшда пишгандаги маза йўқ. Аслида у

лабораторияда ўстирилган уруғдан чиққан, кимёвий ўғитлар ва стимуляторлар билан тез пиширилган маҳсулот.

Дўкон растасидан шарбат сотиб олдим. Таркибини ўқисам, сув, шакар, ароматизаторлар, мева экстракти 10 фоиз холос. Қани унинг табиийлиги?

Сунъийлик – танамизга, соғлиғимизга сокин таҳдид. Сунъий ўсиш стимуляторлари ишлатилган маҳсулотлар одатда озиқавийлик жиҳатидан қашшоқ бўлади. Соғлом овқатланяпман деган одамни ўзи билмаган ҳолда доимий озуқа етишмовчилиги томон етаклайди. Маҳсулот таркибида қолган пестицид ва нитратлар узоқ муддат истеъмол қилинганда жигар ва буйрак фаолиятига зарар етказиши аниқланган. Айрим тадқиқотлар ҳатто бу моддаларнинг саратон ҳужайраларининг шаклланиш хавфини ошириши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, болалардаги аллергия,

тери тошмалари, нафас йўллари муаммолари, ҳатто гормон тизими бузилиши каби ҳолатлар ҳам сунъий ўстирилган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги айтилмоқда. Бу жараёнларнинг барчаси маҳсулотни узоқ муддат сақлаш, чиройли кўрсатиш ва бозорда рақобатбардош бўлиши учун қилинади.

Табиийлик нафақат маҳсулотда, балки уни етиштириш услубида, ерда, ишлатилган сувда, ишлов бериш жараёнида намоён бўлади. “Органик” ёрлиги бор егуликлар ишончлидир, ammo уларнинг ҳам назорати етарлимикин, энди бу алоҳида масала.

Истеъмолчидан муҳим талаб — ҳушёрлик. Ҳар бир танловимиз фақат овқат учун эмас, соғлиғимиз, келажагимиз ва ҳатто табиатга бўлган муносабатимиз аксидир.

Табиийлиқни эса қўз билан эмас, онг билан излайлик.

Майрамхон ҚОБУЛОВА,
Тошлоқ тумани.



БУҒДЎЙЗОР... СЕРҲОСИЛЛИҚДАН БОШИНИ КЎТАРОЛМАЙ ЕРГА ЭГИЛГАН БОШОҚЛАР ДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ ҚИЛАЁТГАНДЕК ТУЮЛАДИ. ҚУЁШ НУРИДА ОЛТИНДЕК ТОВЛАНИБ ТУРГАН ҲАР БИР БОШОҚ – БОБОДЕҲҚОННИНГ ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ, ХАЛҚНИНГ НАСИБАСИДИР.

Илгор фермер Аъзамжон Шерқўзиёевнинг қадок қўллари она тупроқ тафтини чуқур ҳис қилади, қалби ризқ-рўзга муҳаббат билан тўлган. Ҳар бир сўзиди, ҳар бир ҳаракатиди ерга меҳр мужассам. У заминга меҳр берилса, барака ато этишини кўп йиллик меҳнат тажрибасидан ахси билади.

Бувайда туманининг “Янги қадам” МТП ҳудудида ташкил этилган “Баҳромжон – “Ахроржон — 2020” фермер хўжалигида бир вақтлар Аъзамжон аканинг отаси деҳқончилик қилганди. Энди бу ишларни у давом эттирмоқда. Деҳқончиликнинг ўзига яраша масъулият, сир-синоатлари бор. Аъзамжон ака фермер хўжалигини юриштиши бошлаган дастлабки кезданок, замонавий сўғориш иншоотларини жорий этди, янги техникалар сотиб олди. Бунинг натижасида агротехник тадбирларни ўтказиш осонлашди, ҳосилдорлик йил сайин ортиб борди. У барака уруғи қадалгандан бошлаб, ер билан тиллашади, буй чўзаётган экинни фарзанди каби парвариш қилади. Сўғоришдан тортиб, касалликлар ва зарарқундаларга қарши курашиш тадбирларини ўз вақтида олиб боради.

Жорий йил ҳосили учун 25 гектар ерга буғдой уруғини экканди. Кузнинг илк совуқлари сезила бошлаганда, фермер қалбида ҳаяжон ва масъулият туйғуси қайта уйғонди. У ҳар галгидек, ҳосилнинг тақдирига жавобгарлигини ҳис этиб, об-хаво “раъйи”га қараб иш тутди. Шу тарихи қишнинг қаҳратонида ҳам даласидан бери келмади. Баҳор келиши билан эса ташвишлар янада ортди. Ниҳоллар қуёшга қараб чўзилиб, далани бир текис яшиллик қоплаганда кўнгли бироз таскин толган бўлса-да, “Деҳқоннинг долзарбсиз кун бўлмайди”, деганларидек, тунни тонгга улади. Бошоқлар тилла рангга кира бошлаганда ширин энтиқиб олгани ҳам бор гап.

Ҳосил тарозига тушаётган шу кунларда Аъзамжон аканинг юзи ёруғ бўлди. Эзгу ниятлари ўз ижобатини топиб, кўзда тутган режасини ошириб бажарди. Ҳосилдорлик гектарига 65 центнердан ташкил этди. Хўжалик аъзолари, кам таъминланган оилаларга ҳам беминнат ризқ-рўз улашди.

Аслини олганда, ерга уруғ қадаш, уни парваришлаш, об-хаво ўзгаришларига мослашиш, техник муаммоларни ҳал этиш, етиштирилган ҳосилни нобудгарчилиқсиз йиғиштириб олиш – бундай ишларнинг барчаси вақт ва куч талаб қилади. Ҳар бир ютук ортида эса деҳқончилик илми, сермашаққат меҳнат, узоқ йиллар давомида орттирилган тажриба ётади. Аъзамжон Шерқўзиёевнинг таъбири билан айтганда, масъулиятни чин юракдан ҳис этган инсонгина, ер билан тиллаша олади. Заминга муҳаббат ва садоқат билан ишлов берилса, ҳар қаричидан олтинга тенг насиба олинади.

М. МАҲМУДОВА.

Сўраган эдингиз

ЧЕТ ЭЛДА ЯШАЁТГАН ПЕНСИОНЕРГА ИШОНЧНОМА БИЛАН ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

ПЕНСИЯ ЁШИДАГИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ ТУФАЙЛИ, ХИЗМАТ САФАРИ, ДАВОЛАНИШ ЁҲУД БОШҚА САБАБЛАР БИЛАН ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА БИР МУДДАТ ЁКИ УЗОҚ ЙИЛЛАР ЯШАШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. УЛАРГА ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ МАВЖУД. БУНИНГ УЧУН ИШОНЧНОМА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ ҲАМДА ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ТОМОНИДАН АПОСТИЛЬ ҚЎЙДИРИЛАДИ.

Мазкур жараёни пенсионер чет элга кетган кундан бошлаб уч ой ичида амалга ошириши тавсия этилади. Акс ҳолда, бу муддат ўтгандан кейин пенсия тўлови вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин. “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенциянинг иштирокчи давлатларида фаолият юритаётган Ўзбекистон фуқаролари ишончномага апостиль қўйдиришлари талаб этилмайди.

“Чима учун уч ойлик муддат қўйилган?” деган савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Сабаби, қонунга кўра, вафот этган шахсларга пенсия тўланмайди. Амалиётда гарчи пенсионер вафот этган бўлса-да, унинг яқин қариндошлари томонидан пенсия олиб юриш давом этган ҳолатлар мавжуд. Шунинг учун бюджет маблағларини тўғри сарфлаш мақсадида шу муддат белгиланган.

Пенсионер ишончноманинг асл нусхасини ишончи вакилга топширади. У ишончномани банкка тақдим қилади. Банкнинг тегишли бўлими томонидан ишончнома нусхаси Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборилади. Мазкур ишончнома билан ишончи вакил пенсияни олишни давом эттириши мумкин. Бунда, яна шуни таъкидлаб ўтиш керакики, ишончнома берган шахс (пенсионер) Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида бир марта келиб тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак бўлади. Келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда пенсионер Ўзбекистон Республикасининг чет эл-

даги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига муурожаат этади ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқловчи маълумотномани олиши лозим.

Мазкур маълумотнома ишончномага илова қилинган ҳолда ишончи вакил томонидан Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига тақдим қилиниши керак. Шундан сўнг тўхтатиб турилган пенсия тўлаш тартиби тикланади.

Ишончнома билан пенсия олмоқчи бўлмаган пенсионерлар Ўзбекистонга қайтгандан сўнг ҳам олимий қолган ойларидаги пенсияларини белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга. Бунда, фуқарога муурожаат этганидан олдинги икки йиллик давр учун пенсия тўланади. Аввалги тартиб бўйича бу давр бир йил эди. Фуқароларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида муддат узайтирилган.

Бугунги кунда Пенсия жамғармаси томонидан фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаш бўйича амалдаги тартибга қўшимча равишда масофадан идентификация қилиш тизимини амалиётга жорий қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Дастлабки босқичда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), кейинчалик эса юзидан таниб олиш тизими (face ID) орқали хизмат кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Аҳмаджон АТАЕВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона шаҳар бўлими бош мутахассиси.

Фарғона шаҳар, “Аҳмад ал-Фарғоний” МФЙ, Ватан равнақи кўчаси, 47-“б” уйда жойлашган “Golden valley poultry” хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона шаҳар, Нафосат кўчаси, 4-уйда жойлашган “Far Qudratjon fayz” МЧЖга тегишли тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошлоқ тумани, “Найман” МФЙ, Истиклол кўчасида жойлашган ЯТТ “Жўрабоев Жасур Ортиғалиевич”га тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона тумани, “Парвоз Чекшўра” МФЙда жойлашган “Nilufar unumli giloslari” фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фарғона шаҳар, Бурҳониддин Марғиновий кўчаси, 17-уйда жойлашган ЯТТ “Saydaliy Muhammadsharif Akramjon o’g’li”га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Туркия 7-диёрида кун:

Мамлакат ва халқ тарихини журналистлар битади

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ТУРКИЯГА БЎЛГАН ИЖОДИЙ САФАРНИ ИСТАНБУЛДАГИ "BASIN ILAN KURUMU" – МАТБУОТ ЭЪЛОНИ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШДАН БОШЛАДИ.

Туркияда Усмонийлар империясининг сўнгги давридан бошлаб амалга оширилган эълон ва рекламаларни тарқатиш тизими 1961 йилда расмий эълон ва рекламаларнинг даврий нашрларга ўй ва қараш фарқи қарамай адолатли тарзда тақсимланишини таъминлаш мақсадида "Basin ilan kurumu" ташкил этилиши билан мустақам ва сифатли тартибга эга бўлди.

Бошқарма Истанбул Анкара, Измир каби 15 та ҳудудда бошқарув тизими ва 81 та вилоятда ўз бўлимларига эга.

Матбуот эълони бошқармаси газета, журнал, интернет тармоқлари орқали расмий эълон ва рекламаларни жамоатчиликка етказди. Матбуот ахлоқи қондаларини назорат қилиш бошқарма



ИШОНЧЛИ ВА ШАФФОФ АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ТИЗИМИ

назорат тизимининг бир қисидир. Шунинг баробарида, шикоятлар асосида ёки мустақил тарзда текширув ўтказди. Агар нашрлар ахлоқий меъёрларни бузган бўлса, жазо чораси (масалан, эълонлар беришни тўхтатиш) қўлланилади, оммавий ахборот воситаси ходимига нисбатан ҳар қандай таъжовуз ва адолатсизликка қарши туради.

Таъкидлаш жоизки, Матбуот эълони бошқармаси 400 га яқин интернет сайти, 2040 та босма оммавий ахборот воситалари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган. Узининг ilan.gov.tr реклама портали орқали ҳар куни 750 дан ортиқ реклама ва эълонларни тарқатади. Улардан фойдаланув-

чилар сони эса 25 миллион нафарга етган.

– Расмий эълон ва рекламаларни тарқатишдан кўзлаган асосий мақсадимиз – халқимизни ишончли ва шаффоф тарзда ахборот билан таъминлашдир. Шунингдек, мамлакатимизда матбуотни қўллаб-қувватлаш, эркинлигини таъминлаш, иқтисодий даромад манбаи бўлган реклама ва эълонларни оммавий ахборот воситаларига тенг тақсимланишида муассасамизнинг ўрни беқисс, – дейди бошқарма раҳбари Жаҳит Эркилинич.

Дарвоқе, бошқарма расмий эълон ва реклама эвазига матбуотнинг молиявий ва таҳририй мустақиллигини, ижодий ходимларни қўллаб-

қувватлайди. Газеталар таҳририятига кредитлар, матбуот уюшмаларига моддий ёрдам, журналистларга эса фойсиз қарзлар беради. Оммавий ахборот воситаларида камида 10 йил ишлаган, аммо ҳозирда ишлаб олмайдиган ёки вафот этган журналистларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, Лозанна тинчлик шартномаси асосида озчилик миллатларга мансуб фуқаролар чиқарадиган газеталарни ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ўтган йилда бошқарма томонидан тақдим этилган иқтисодий қўмаклар миқдори 15 миллион турк лирасини ташкил этди.

Туркияга сафар давомида фарғоналик журналистлар Матбуот эълони бошқармаси ходимлари билан ўзаро касбий билим ва кўникмаларини ўртоқлашдилар.



ФОТИХ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИДА ҚАБУЛ

ФАРҒОНАЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ИСТАНБУЛ ШАҲРИНИНГ ФОТИХ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИДА САМИМИЙ, БИРОДАРЛАР-ЧА КУТИБ ОЛИНДИ. ТАБИЙИКИ, РАСМИЙ ҚАБУЛ ШУ РУҲДА, КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТДИ.

Фотиҳ тумани ҳокими ёрдамчиси Жениз Уста ва ахборот хизмати раҳбари Абдурахмон Жунай Фиданжи қардош халқ делегацияси Туркияга хуш келгани билан қутлади. Дастлаб туман тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, тарихий обида ва маданият масканлари, туризм салоҳияти ҳақида ахборот берди.

– Ҳудудимизда 400 минг аҳоли яшайди, аммо Фотиҳ – тарихий обидалар жойлашган манзил, бир кунда уларни кўргани 2-3 миллион сайёҳ келади ва биз уларга ҳар томонлама хизмат кўрсатишни ташкил этамиз, – деди у.

Учрашувда асосий эътибор Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига қаратилди. Таъкидланганидек, мустақам қардошлик алоқалари узок тарихга бориб тақалади. Орадан кўп асрлар ўтган бўлса-да, икки халқнинг маданий ва маънавий қадриятлари ўзаро ҳамкорлик муносабатлари янада мустақамланишига хизмат қилмоқда ва бугун иқтисодиёт, енгил саноат, кичик бизнес, замонавий технологиялар,

туризм алоқаларида муваффақиятли давом этмоқда. Туркиянинг Ўзбекистонга кўпроқ сармоя киритиши мамлакатнинг тинч-осудалиги, барқарор иқтисодий ўсиши, бой табиий ресурсларга, катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Шу жумладан, хорижий сармоядорларга қафолатланган имтиёзлар мавжуд. Биргина мисол, Фарғона вилоятига тўғридан-тўғри инвестиция жалб этишда Туркия етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда вилоятимизда қардош давлат сармояси ҳисобига 60 дан зиёд турли йўналишдаги корхоналар фаолият олиб бормоқда.

Фотиҳ тумани ҳокими ёрдамчиси Жениз Уста айтиб ўтдики, Фарғона журналистларининг Туркияга ташрифи қадимий ҳамкорликка медиа соҳасини қўшди. Буни азалий қардошлигимизни яна ҳам мустақамлаш, халқларимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида қўйилган залворли қадамлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

“Китобнинг ҳиди шу эшикнинг орқасида”. Бу ҳикматли ибора туман ҳокимлиги биносидан ташкил этилган кутубхона эшигидаги ёзув. 24

соат мобайнида фаолият олиб борадиган, катта китоб фондига эга зиё маскани билан танишувимиз аввалида ҳамкасбларимиздан бири юмшоқ ўриндиқларда ўтирган 50 дан зиёд фуқароларга эътиборини қаратди. Бизни ажаблантирган манзарага кутубхона мудираси жавоб берди.

– Булар навбат қутишяпти. Чунки, 406 ўринли кутубхонадан фойдаланувчилар жуда кўп. Бир кеча-кундузда 2000 дан зиёд китобхонлар келади. Улар бу ерда соатлаб ўтириб, китоб ўқишади, диссертация, илмий тадқиқот ишларига тайёрланишади, – дейди у.

Кутубхона фонди ҳокимлик ва ҳомийлар маблағи ҳисобига шакллантирилган бўлиб, эркин муталаа учун барча шароитлар мавжуд, хусусан, янги технологиялар билан жиҳозланган. Китобхонларга бир марталик бепул овқатланиш вақти белгиланган, шунингдек, икки марта чанқовбосди ичимликларни беминнат истеъмол қилишлари мумкин.

Фотиҳ тумани билан танишув тарихий обидаларга ташриф билан давом этди.

“YENİ ŞAFAK” НИ СЕВИБ ЎҚИШАДИ

ИСТАНБУЛ КЎЧАЛАРИ БЎЙЛАБ ЎРНАТИЛГАН МОСЛАМАЛАРДА ҚАТОР НАШРЛАР ҚАТОРИ “YENİ ŞAFAK” ГАЗЕТАСИНИНГ ҲАР КҮНГИ СОНИНИ УЧРАТИШ МҲМКИН. ГАЗЕТАХОНЛАР УЛАРНИ БЕПУЛ ОЛИБ ЎҚИШМОҚДА.

Газета таҳририятида бўлганимизда бош муҳаррир Ҳусейн Лиқўғли ижодий жараёнлар билан яқиндан таништириди, ташири-миздан мамнун эканини билдирди.

1994 йилда “Şafak”, 1995 йилдан “Yeni Şafak” номи билан чоп этилаётган газета 1997 йилда “Albayrak” ҳолдинг компанияси томонидан сотиб олинган. Кунига 20 саҳифадан, 200 минг нусхада босиладиган газетада 100 нафардан зиёд ижодий ходимлар фаолият олиб боради. Нашр реклама ва обунадан тушган маблағлар эвазига молияланади.

Таҳририят хорижда ва мамлакатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, миллий, маданий қадриятлар, иқтисодий, диний ва бошқа йўналишлардаги янгиликларга алоҳида эътибор қаратади. Саҳифаларга мақола ва суратларни қизикarli, замонавий усулда жойлаш учун мутахассислардан иборат дизайн гуруҳи шакллантирилган.

– Таҳририятда фаолият бошлаганимга бир йилдан ошди. Тажрибали дизайнерлардан газета саҳи-

фалашнинг янги усулларини ўрганипман. Бу жуда қизиқ жараён. Мақолаларни саҳифага жойлашдан аввал уларни ўқиб чиқаман ва унинг мазмунига мос дизайн яратаман, – дейди Нида Нав Гинур.

Фарғоналик журналистларни “Albayrak” ҳолдинг компанияси раҳбарининг кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Якуб Ўзтўрк қабул қилди. Айтишича, компания 135 турдан зиёд ишлаб чиқариш эгаси сифатида нафақат Туркия, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам ўз нуфузига эга. Машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш компаниянинг йирик тадбиркорлик тармоқлари ҳисобланади. Шунингдек, компания муассислигида ўн миллиондан зиёд фойдаланувчиси бўлган, араб, рус, француз тилларида интернет сайти, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалари ва мобил иловалари мавжуд.

Мулоқот чоғида Якуб Ўзтўрк журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.



TRT – дунёнинг етакчи телевидениеларидан бири

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ – TRT ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШУВ ЮКСАК ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВЛАР ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИ ЭФИРГА УЗАТИШ ВА ТОМОШАБИНЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛИШ ДАРАЖАСИНИНГ НАҚДАР КЕНГЛИГИ БИЛАН БИЗНИ ЧИНАКАМИГА ҲАЙРАТГА СОЛДИ.



TRTнинг Истанбул студиясида бўлган фарғоналик журналистлар учун TRT иж- рочи директори ёрдамчиси Себахатдин

Туркия миллий жамоат телерадиокомпанияси 1964 йилда ташкил этилган. TRT кўп йиллар давомида Туркияда ягона телевидение ва радио таъминотчиси эди. Бугунги кунда у бутун дунёда, хусусан, Европа, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Австралияда ўз кўрсатувларини олиб бормоқда. TRT 1, TRT 2, TRT спор, болалар дастурлари, турк халқ ва классик куй-кўшиқларига оид мусиқа канали, маданий-маърифий кўрсатувлар, халқаро аудитория учун дунё янгиликларини, долзарб воқеаларни эфирга узатади.

Маълум қилинганидек, дунёнинг 70 та мамлакатидан TRTнинг 500 дан зиёд мух- бир ва техник ходимлари фаолият олиб боради. Долзарб мавзуларда, халқаро ҳаётга оид, давра суҳбатлари ва бошқа турли-туман қизикarli кўрсатувлар жаҳоннинг 400 дан ортиқ нуқтасига хо- лислик, ҳаққонийлик ва тезкорлик би- лан етказиб берилади. Телевидениенинг

Лондон, Вашингтон, Истанбул, Анкарада офиси, таҳририят ҳамда телемарказла- ри бўлиб, улар дунёнинг 41 тилида, 1361 та телеканаллар орқали кўрсатувларни эфирга узатади. Туну кун ишлайдиган TRT – “Болкон”, TRT – “Африка”, TRT – “Испания”, TRT – “Россия” сингари 9 та рақамли телеканалларда эса 9 тилда кўрсатувлар намойиш этилади. TRT телеграм, YouTube, инста- грам каби ижтимоий тармоқлар, ра- қамли технологиялар орқали энг кўп кўрсатув тарқатадиган ва қўрила- диган етакчи телевидениелардан бири саналади. 70 дан ортиқ мамлакат теле- видениеларига тўғридан-тўғри хабар- лар тарқатилади. Мухбирлари, айниқса, “қайноқ нуқта”лардан, жумладан, со- дир бўлган табиий офатлар, Россия, Украина, Исроил, Фаластин, Эрон каби давлатларда кечаётган уруш жараёнла- рини жонли репортажлар орқали бериб бормоқда.

– Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтисо- дий, маданий-маърифий ва сайёҳлик

алоқалари йил сайин мустақамланиб бормоқда. Турмуш тарзимиз, урф-одат ва анъаналаримиз бир-бирига ўхшаш бўлган қардош халқларимиз, – дей- ди TRT ижрочи директори ёрдамчиси Себахатдин Севинди. – Эндиликда турк ва Ўзбек оммавий ахборот воситала- ри ходимларининг ижодий ҳамкорлиги йўлга қўйилгани, тажриба алмашиш мақсадида мамлакатимизга таши- риф буюрганингиз бизни жуда қувон- тирди. Икки давлат оммавий ахбор- от воситалари илдизи мустақам қадимий дўстлик алоқаларимизни янада мустақамлаш йўлида ишончли кўприк вазифасини бажаришига шўҳбам йўқ. Ишончманки, бу борада ташлаган даст- лабки қадамларимиз хайрли ва ҳар икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари ва халқларимиз учун манфа- атли бўлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшма- си Фарғона вилоят бўлими раҳбари Мухаммаджон Обидов вилоят оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, дав-

лат ва хусусий телевидениелар фаоли- яти, қалам аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турк ва Ўзбек журна- листларининг ижодий ҳамкорлиги соҳа ривожига янги уфқларни очиши ҳақида сўз юритди.

Фарғоналик журналистлар TRTнинг кўрсатувларини тайёрлаш ва эфирга уза- тиш жараёнлари билан танишдилар, телевидение журналистлари билан ижо- дий мулоқотда бўлдилар.

Саҳифани "Фарғона ҳақиқати" газетаси махсус мухбирлари Рустам ОРИПОВ, Абдужалил БОБОЖОНОВ, Муаттар МАҲМУДОВА, Маҳиёра БОЙБОБОВА тайёрлади.

Суратларни Алишер РОЗИҚОВ олган.

(Туркияга ижодий сафарининг давоми келгуси сонда).

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganska ya pravda" gazetalarini tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11689.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чиқади. Адади: 2402 нусха.	★ Бахоси келишилган нархда.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
			Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.00.	